БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 35 (5326).

11 Февраль, 1984 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович АНДРОПОВ вафот этди.

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига

# МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов вафот этди.

Унинг ҳаёти — партия билан халқ манфаатларига, улуғ Ленин ишига садоқатли хизмат қилиш намунасидир. Партиянинг иродаси билан Юрий Владимирович Андропов меҳнат қилган ҳамма лавозимларда ўзининг бутун кучи, билимини, жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини муттасил амалга оширишга, коммунизм ғояларининг тантанаси учун курашга сарфлади. Ю. В. Андроповнинг бутун кўп қиррали фаолиятида — комсомол ишида ва Улуғ Ватан уруши йилларида Карелиядаги партизан ҳаракатини ташкил этишда, партия ва дипломатия фаолиятининг энг масъулиятли участкаларида йирик сиёсий раҳбарга хос фазилатлари яққол намоён бўлди. У давлатимизнинг хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўп меҳнат сарфлади.

Ленин типидаги раҳбар — ўртоқ Андроповнинг буюк қобилияти ва ташкилотчилик истеъдоди унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимларидаги ишида яққол кўринди.

Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетига қисқа муддат бошчилик қилди. Аммо шу вақт ичида партия ўзининг XXVI съезди йўлидан бориб, уни ижодий бойитиб, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма йўналишларида мамлакатнинг дадил олға силжишини таъминлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари партия билан халқнинг турмушида, уларнинг бузилмас бирлигини мустаҳкамлашда муҳим босқичлар бўлди. Пленумларнинг қарорларида, Ю. В. Андроповнинг нутқларида партиянинг ҳозирги замон стратегияси — етук социализмни такомиллаштириш стратегияси ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Шу даврда партия билан халқнинг куч-ғайратлари экономика ривожини жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилашга, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларнинг масъулиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришга қаратилди.

Партия қабул этган тадбирлар бир мақсадга — совет кишиларининг фаровонлигини ўстиришга, Совет давлатининг қудратини кучайтиришга бўйсундирилди. Мана шу ишларнинг ҳаммасида Юрий Владимирович Андроповнинг хизматлари жуда катта.

Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга анчагина ҳисса қўшди.

Унинг раҳбарлигида КПСС Марказий Комитети билан Совет давлати жаҳон майдонида ленинча ташқи сиёсат йўлини — термоядро уруши хавфини тугатиш, империализмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба бериш, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлини изчиллик ва сабот билан амалга оширдилар.

Шу қайғули кунларда коммунистлар, бутун совет халқи ўз сафларини партия ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслаштирадилар. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари Коммунистик партияни ўзларининг синалган, коллектив йўлбошчиси деб билиб, унинг халқ туб манфаатларини ифодаловчи ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун астойдил курашишга азму қарор берганлар. Партиянинг ленинча йўли ўзгармасдир. Партия КПСС XXVI съезди, унинг Марказий Комитети кейинги Пленумлари ишлаб чиққан аниқ ва равшан ҳаракат программаси билан қуролланган.

КПСС ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, халқнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини муттасил ўстириш йўлини бундан буён ҳам сабот ва собитқадамлик билан ўтказаверади. У ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади, одамларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, коммунизм улуғ идеалларига садоқат руҳида тарбиялайверади.

Ҳозирги хатарли равишда кескинлашган мураккаб халқаро вазиятда КПСС, Совет давлати тинчлик ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилишни, сабот-матонат ва ҳушёрлик кўрсатишни, империализмнинг авантюрачилик режаларини қатъиян барбод этишни, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблайдилар.

Совет халқи — низоли халқаро масалаларни куч билан ҳал этишга астойдил қаршидир. Урушларсиз дунё — бизнинг идеалимиздир. Мустаҳкам тинчлик учун курашда қардош социалистик мамлакатлар, коммунистик ва ишчи партиялар, миллий ва социал озодлик учун курашчилар, термоядро фалокатининг олдини олишга интилаётган кенг халқ оммаси биз билан ҳамдамдирлар.

Партиямиз билан давлатимиз турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини бундан буён ҳам қатъият билан изчил амалга ошираверадилар. Биз барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни, тинчлик йўлида ҳалол ва амалий ишлашга тайёр бўлган ҳукуматлар ва ташкилотлар билан актив ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз.

Партия Марказий Комитети, унинг раҳбар ўзаги Ленин байроғига, Улуғ Октябрь ишига сидқидилдан содиқ эканликларини совет халқи жуда яхши билади. Партия халқнинг ишончини муқаддас билиб қадрлайди ҳамда совет кишиларининг фаровонлигини ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб ҳисоблайди. Партия билан халқ бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Юрий Владимирович Андропов коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида Маркс-Энгельс-Ленин таълимотига астойдил садоқатли, принципиал ва камтарин, меҳнат аҳлига меҳрибон, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгир, ҳамма нарсани социалистик Ватан манфаатларига бўйсундиришга маҳоратли инсон бўлиб абадий сақланиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари ўзларининг синфий онглилиги ва уюшқоқлигини, ўзларининг юксак коллективчилик фазилатларини янги куч билан намоён этадилар, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини, Улуғ Ватанимизнинг янада равнақ топишини собитқадам, фидокорона меҳнат билан таъминлайдилар.



## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович **Андропов** узоқ давом этган касалликдан сўнг 1984 йил 9 февраль куни соат 16 дан 50 минут ўтганда вафот этганлигини партияга ва бутун совет халқига чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи — Юрий Владимирович Андроповнинг номи совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

## Юрий Владимирович Андроповнинг касаллиги ва вафотининг сабаби тўғрисида медицина хулосаси

1914 йилда туғилган Ю. В. Андропов сурункали буйрак етишмовчилиги асоратидан интерстициал нефрит, нефросклероз, иккиламчи гипертония, қандлик диабет билан оғриганди.

1983 йилнинг февралидан бошлаб буйраклар функцияси тўхташи муносабати билан гемодиализ («сунъий буйрак») орқали даволанарди.

Ўтказилган даволаш натижасида у ўзини қониқарли ҳис этар ва иш қобилияти ҳам дуруст эди. Аммо 1984 йил январь ойи охирида ички органлардаги дистрофик ўзгаришларнинг кучайиши ҳамда зўрайиб борувчи гипотония сабабли аҳволи ёмонлашди.

1984 йилнинг 9 февралида соат 16 дан 50 минут ўтганда юрак-қон томир етишмовчилиги кучайиб, нафас олишнинг тўхташи ўлимга олиб келди.

Паталого-анатомик текширишда қўйилган диагноз тўла тасдиқланди.

**СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги Тўртинчи бош бошқарма бошлиғи СССР Фанлар академиясининг, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Е. ЧАЗОВ; СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Н. ЛОПАТКИН; СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Н. МАЛИНОВСКИЙ; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзоси профессор В. ФЕДОРОВ; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзоси профессор А. ЧУЧАЛИН; СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир-аъзоси профессор В. СМАГИН; профессор Г. КУЛАКОВ; профессор А. ВОРОБЬЁВ; даволовчи врач В. АРХИПОВ; СССР Медицина фанлари академиясининг академиги, профессор Н. КРАЕВСКИЙ; хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ю. ПОСТНОВ.**

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповни дафн этишни ташкил қилувчи комиссия қуйидаги составда тузилсин: К. У. Черненко (раис), Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, Е. К. Лигачев, А. П. Александров, С. А. Шалаев, В. М. Мишин, Г. М. Марков, Т. Н. Хренников, Н. А. Пономарев, В. В. Терешкова, И. И. Сенькин, М. А. Ульянов, П. И. Климук, В. С. Чичеров, Л. И. Абрамова ўртоқлар.

2. Ю. В. Андропов Қизил майдонда дафн этилсин.

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Юрий Владимирович Андроповни дафн қилишни ташкил этиш комиссиясидан

Комиссия маълум қиладики, Юрий Владимирович Андроповнинг жасади солинган тобут 1984 йил 11 февралда Союзлар уйининг Колонна залига қўйилади.

Меҳнаткашлар Юрий Владимирович Андропов билан видолашиш учун шу йил 11 февраль соат 15 дан соат 22 гача; 12 ва 13 февраль кунлари эрталаб соат 9 дан соат 22 гача Колонна залига киритилади.

## КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андропов вафоти муносабати билан 1984 йил 11, 12, 13, 14 февраль кунлари мамлакатда мотам эълон қилинсин.

Дафн этиш куни бошланғич, саккиз йиллик ва ўрта мактабларда ўқув машғулотлари ўтказилмасин.

2. Юрий Владимирович Андроповнинг жасадини дафн этиш пайтида Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қальъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Североморск, Ставрополь, Петрозаводск шаҳарларида тўплардан ўқ узилсин.

Худди шу пайтда Совет Иттифоқининг бутун территориясида узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари ҳамма корхона ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхтатиб турилсин; фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флоти кемаларида уч минут мобайнида гудок чалиб салют берилсин.

# Юрий Владимирович АНДРОПОВ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юрий Владимирович Андропов узоқ давом этган касалликдан кейин 1984 йил 9 февраль куни етмиш ёшида вафот этди.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби ҳаётдан кўз юмди. Партия билан халқнинг бирлиги янада мустаҳкамланганлиги, ривожланган социализм жамиятининг такомиллашганлиги, халқ фаровонлиги ошганлиги, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланганлиги, ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатнинг турмушга татбиқ этилиши унинг номи билан чамбарчас боғланган.

Юрий Владимирович Андропов 1914 йил 15 июнда Ставрополь ўлкасининг Нагутская станциясида темирйўлчи оиласида туғилди. Меҳнат фаолиятини 16 ёшидан бошлади. Шимолий Осетия АССР Моздок шаҳрида ишчи бўлди. Ўша вақтда, 1930 йилда ВЛКСМ сафига кирди. 1932 йилда Рибинск сув транспорти техникумига кирганидан кейин ўқиш билан айни бир вақтда Волга пароходчилигининг турли кемаларида матрос, штурвалчи ва капитан ёрдамчиси бўлиб ишлади. Кейинчалик Петрозаводск давлат университетида ўқиди, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлади.

1936 йилда Ю. В. Андропов Ярославль областидаги Рибинск шаҳрида сув транспорти техникуми комсомол ташкилотининг бошқа ишлардан озод этилган секретари қилиб сайланди. Тез орада уни Рибинск шаҳридаги Володарский номли кемасозлик корхонасида ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол ташкилотчиси лавозимига кўтаришди. 1937 йилда Ю. В. Андропов ВЛКСМ Ярославль область комитетининг бўлим мудири этиб тайинланади, сўнгра секретари қилиб, 1939 йилда эса биринчи секретари қилиб сайланади. Ўша йилнинг ўзида у Коммунистик партия аъзоси бўлди. 1940 йилда Ю. В. Андропов Карелия ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари эди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб, Ю. В. Андропов Карелиядаги партизан ҳаракатининг актив қатнашчиси бўлди. У душман томонидан вақтинча оккупация қилинган совет территориясида комсомолнинг яширин ишини ташкил этиш ва ёшлар ўртасида сиёсий иш олиб бориш билан, жанговар группаларни фронт линияси нариёғига юбориб туриш ва душман ичкарисидаги операцияларни амалга ошириш билан шуғулланди.

Петрозаводск фашист босқинчиларидан озод қилинганидан кейин 1944 йилда Ю. В. Андропов партия ишига кўтарилади: Петрозаводск шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, 1947 йилда эса Карелия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланади. 1951 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг аппаратига ўтказилади, бу ерда у аввал инспектор бўлиб, сўнгра эса Марказий Комитет кичик бўлимининг мудири бўлиб ишлайди.

1953 йилда партия Ю. В. Андроповни СССР Ташқи ишлар министрлигига дипломатия ишига юборади, 1954 йилда эса у СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинланади.

1957 йилда Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири қилиб тасдиқланади.

1961 йилда партиянинг XXII съездида ва шундан кейинги ҳамма съездларида Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланади. 1962—1967 йилларда у КПСС Марказий Комитетининг секретари бўлиб ишлади.

1967 йилда у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат қилиб сайланади. 1973 йилдан бошлаб Ю. В. Андропов — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси эди.

1967 йилдан 1982 йилгача Ю. В. Андропов партиянинг йўлланмаси билан Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси бўлиб ишлайди.

1982 йил майида Ю. В. Андропов яна КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланади.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми Ю. В. Андроповни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Ю. В. Андропов 3- ва 6—10-чақириқ СССР Олий Советининг депутати бўлди. Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг 1983 йил июнида бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида Ю. В. Андропов СССР Олий Советн Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Юрий Владимирович Андропов партиянинг иродаси билан меҳнат қилган ҳамма лавозимларда унинг улуғ Ленин ишига содиқлиги яққол намоён бўлди. У ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини янада кучайтиришга, унинг совет жамияти турмушидаги раҳбарлик ролини, ҳар бир коммунистнинг партия билан халқ олдидаги юксак масъулиятини оширишга сарфлади. Ю. В. Андропов партия турмушининг ленинча нормаларига оғишмай риоя этилиши, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан тортиб, маҳаллий партия комитетларигача — партия органларининг ишида коллективчиликни таъминлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди.

Ю. В. Андропов ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг нутқларида, асарларида совет жамияти ривожининг ҳозирги босқичидаги ўзига хос хусусиятлари чуқур очиб берилди, партия билан Совет давлатининг коммунизм қурилишидаги кундалик ва истиқбол вазифалари аниқ белгиланди.

Ю. В. Андропов партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиққан бунёдкорлик планларини амалга оширишга асосий эътибор берди. Унинг нутқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, бошқарувни, планлаштиришни, хўжалик механизмини такомиллаштириш вазифалари илгари сурилди. Ю. В. Андропов интизом ва тартиб ўрнатиш, уюшқоқлик ва масъулиятни ошириш учун курашда меҳнаткашларнинг ташаббускорлигига жуда катта аҳамият берди.

Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумидаги нутқида мамлакатнинг бундан буёнги иқтисодий тараққиёти асосий йўналишлари хусусида чуқур фикрлар ва хулосаларни баён этди. Бу муҳим сиёсий ҳужжатда партия билан давлатнинг ҳозирги босқичдаги социал-иқтисодий сиёсати яққол ифодаланди.

Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг 60 йиллиги» докладида ленинча миллий сиёсат ривожлантирилди. Унда мамлакатимизда халқлар дўстлиги ва қардошлиги, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги ғояларини амалга ошириш тажрибаси умумлаштирилди.

Ю. В. Андропов партиянинг идеология ишини такомиллаштириш ҳақида, юксак ахлоқийликни қарор топтириш тўғрисида, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни ҳар томонлама яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди.

Ю. В. Андропов СССР Мудофаа Кенгашига бошчилик қилар экан, СССРнинг Қуролли Кучларини ривожлантириш ҳақида, Ватанимизнинг мудофаа қудратини лозим даражада сақлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди.

Ю. В. Андропов Тинчлик программасини амалга оширишга кўп куч ва ғайрат сарфлади. Ю. В. Андроповнинг ташқи сиёсат масалаларига оид Баёнотларида ва бошқа нутқларида ҳозирги халқаро аҳвол чуқур синфий анализ қилинди, кескинлик манбалари очиб берилди ва инсоният боши узра пайдо бўлган хавф-хатарга қарши кураш йўллари кўрсатилди. Бу ҳужжатларда партиянинг ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим амалий ташаббуслари баён этилди. Ю. В. Андропов социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ҳамкорлиги, бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун, халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳормай-толмай курашди.

Ю. В. Андропов халқаро муносабатлардаги соғлом негизларни, кескинликни юмшатиш принципларини қарор топтиришга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш асосларини мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро уруши хавфини тугатишга кўп куч сарфлади. Ю. В. Андроповнинг бу фаолиятини бутун совет халқи, чет эллардаги миллион-миллион кишилар астойдил маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби Ю. В. Андроповга Ватан олдидаги катта хизматлари учун 1974 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У тўртта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Қизил Байроқ орденлари, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Совет коммунистлари, барча меҳнаткашлар, чет эллик дўстларимиз Ю. В. Андропов сиймосида Ленин типидаги атоқли раҳбарни кўрдилар. У одамларга нисбатан сезгирлиги ва камтаринлиги билан ажралиб турар эди. У совет кишиларининг чуқур ҳурмати ва ишончини қозонди. Юрий Владимирович Андроповнинг ишчидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советн Президиуми Раисигача бўлган бутун ҳаётий йўли партия билан халққа фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир.

Одамларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун курашчи Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ сиймоси коммунистларнинг, барча совет кишиларининг қалбида абадий сақланиб қолади.

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

# ОРБИТАДАГИ ТУТАШУВ

ТАСС АХБОРОТИ

**1984 йил 9 февраль куни Москва вақти билан соат 17 дан 43 минут ўтганда «Союз — Т-10» космик кемаси орбитадаги «Салют-7» станцияси билан туташтирилди.**

**Кеманинг станция билан яқинлашуви автоматик тарзда амалга оширилди. Аппаратларни бириктириш ва туташтириш ишларини экипаж қўлда бажарди.**

**Л. Д. Кизим, В. А. Соловьев ва О. Ю. Атьков ўртоқлар станция ичига ўтганларидан кейин Ер атрофидаги орбитада «Салют-7» — «Союз—Т-10» бошқариладиган комплекс ишлай бошлади.**

**«Салют-7» илмий станцияси 1982 йил 19 апрелдан бери учиб юрибди. Унинг ичида 211 кун ва 150 кун давом этган иккита экспедиция ҳамда иккита ташриф экспедицияси экипажлари ишладилар.**

**«Салют-7» — «Союз—Т-10» орбитал комплексининг экипажи ишларнинг катта программасини бажариши керак. Программада:**

**— илм-фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари манфаатлари йўлида Ер юзасини ва унинг атмосферасини тадқиқ қилиш;**

**— астрофизика, технология ва техника экспериментлари ўтказиш;**

**— космонавт врач иштирокида медицина-биология тадқиқотлари ўтказиш;**

**— такомиллаштирилган системалар ва приборларни синаб кўриш ҳамда чиниқтириш кўзда тутилган.**

**Телеметрия ахбороти маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз—Т-10» илмий-тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.**

**Экипаж орбитал комплекс ичидаги учиш программасини бажаришга киришди. Космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьков ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.**

**УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 10 февраль. (ТАСС). Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьковнинг «Салют-7» — «Союз —Т-10» орбитал комплекси ичидаги иккинчи иш куни бугун Москва вақти билан соат 10 да бошланди. Космонавтлар белгиланган программага мувофиқ станцияни киши бошқарадиган учиш режимига ўтказиш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Улар жумладан ҳаёт таъминоти системаси, энергия билан таъминлаш, терморегуляция системаларини консервация ҳолатидан чиқармоқдалар, ускуна ва аппаратларнинг аҳволини текшириб чиқмоқдалар.**

**Комплекснинг яшаш бўлмаларида Ердагига яқин шароитлар сақланмоқда: босим-симоб устунининг 756 миллиметрини ташкил этмоқда. Температура эса Цельсий ҳисоби билан 20 градус.**

**Экипажнинг докладлари ва телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, «Салют-7» — «Союз — Т-10» илмий-тадқиқот комплексининг учиши нормал ўтмоқда.**

**Космонавтлар Кизим, Соловьев ва Атьков ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.**

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

## ДЎСТЛАР ЁРДАМИ

«Узновгородводстрой» трестига қарашли «Тошкент-9» махсус механизациялашган кўчма колоннаси мелиораторлари Новгород яқинида қурилаётган «Ташкентский» совхози учун ерлар ўзлаштириб, йилнинг дастлабки кунлариданоқ жадал суръатлар билан ишламоқдалар. Улар шу вақт ичида қарийб йигирма километр ёпиқ дренаж, икки ярим километр йўл қурдилар.

Одамлар ва техникани энг муҳим йўналишларга жамлаш асосида қурилишни жадаллаштиришга эришилди. Бригадалар хўжалик ҳисобига ўтказилмоқда. Механизациялашган колонналар техника хизмати бир ва кўп чўмичли экскаваторлар машинистлари, тракторчиларни асосий ишдан ажралмаган ҳолда тайёрлашни ташкил этди. Ҳозир курсларда қарийб 30 киши шуғулланмоқда.

З. Шайдуллин бригадаси амалий ҳамкорлик намунаси бўлди. Бу ерда Ф. Фасхутдинов, И. Ботиров, бригадирнинг ўғли Рустамжон ҳақиқий ишчилар дўстлиги қадрини англадилар, меҳнатда чиниқдилар.

Новгороднинг қўриқ ерларига ҳужум давом этмоқда. Ҳозирги вақтда мелиораторларнинг асосий вазифаси ботқоқликларни оммавий равишда ўзлаштиришга тайёргарлик кўришдан иборат. Ботқоқликлар кунлар исиши билан ўзлаштирила бошланади.

(ТАСС—ЎзТАГ).

## ЛАУРЕАТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет олимлари ва инженерларидан катта бир группасига — катта-катта тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг авторларига 9 февраль куни Кремлда фан ва техника соҳасида 1983 йилги СССР Давлат мукофоти лауреатларининг дипломлари билан фахрий нишонлари топширилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров тантанали маросимда гапириб, мукофотланган кишиларни сидқидилдан муборакбод этди ва уларга катта ижодий муваффақиятлар тилади. Янги лауреатларнинг асарлари, деб таъкидлади у, совет фанининг юксак даражада эканлигидан, фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришда унинг роли ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Лауреатлар мукофотларни ола туриб, ўз асарларига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этдилар ва ўзимизнинг ижодий куч-ғайратимизни мамлакат фани ва техникасини, халқ хўжалигини ривожлантириш актуал проблемаларини ҳал этишга бундан буён ҳам сарфлайверамиз, деб ваъда бердилар.

(ТАСС).

## КОН РАЗВЕДКАЧИЛАРИ УЧУН

**Тошкентдаги «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводи нефть ва газ конларини разведка қилиш пайтида қудуқларни бурғилаш учун мўлжалланган парракли ускунани давлат Сифат белгиси билан тайёрлаб чиқара бошлади.**

Тошкент корхонасида ишлаб чиқарилаётган бу нозик ва мураккаб асбоб ўзининг бурғилаб бориш механик тезлиги, билан мамлакатимизда ва АҚШ, Франция, ГФР фирмаларида тайёрланаётган бундай маҳсулотдан қолишмайди. Бурғилаш ускунаси тайёрланаётган участкада бригада методи асосида ишлашга ўтилди.




# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА, ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

### Сайловчиларнинг К. В. РУСАКОВ билан учрашуви

10 февраль куни А. Мравян номидаги Ленинакан драма театрида Арманистон ССР Ленинакан Марказий сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Советн Миллатлар Советн депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг секретари Константин Викторович Русаков билан учрашуви бўлди.

Бугун Коммунистик партия билан мамлакат бошига тушган катта бахтсизлик — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти тўғрисида хабар олинганлигини биласизлар, деди К. В. Русаков.

Шу оғир жудолик сабабли бутун партиямиз, бутун совет халқи чуқур мотам тутмоқда.

Марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантиришга ва уни амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшган партиямизнинг энг йирик истеъдодли раҳбари орамиздан кетди.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи — Юрий Владимирович Андроповнинг номи совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

К. В. Русаков Юрий Владимирович Андроповнинг хотирасини ўринларидан туриб ҳурмат билан эсга олишни таклиф қилди.

**(Бир дақиқа сукут сақланади).**

Учрашувни Ленинакан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Д. А. Арутюнян очди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — пайпоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари П. О. Степанянга сўз берилади. У К. В. Русаковнинг ҳаёт йўлини йиғилиш аҳлига сўзлаб берди ва сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Сўнгра Май қўзғолони номли ип газлама бирлашмасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Г. Арутюнян, гўшт консерва комбинатининг директори Д. С. Мамиконян, электровоз депосининг машинисти Р. М. Тамирян, чегара отрядининг бошлиғи В. П. Сичев, Ереван политехника институти Ленинакан филиалининг студенти И. Р. Маркарян, сайқаллаш станоклари заводининг слесари В. И. Сажин, педагогика институтининг ректори К. Р. Овсепян сўзга чиқдилар. Улар Юрий Владимирович Андропов вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этдилар, фидокорона меҳнат билан Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга интилаётганликларини билдирдилар. Сўзга чиққан кишилар КПССнинг, партия ленинчи Марказий Комитетининг доно ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар партия билан халқнинг чамбарчас алоқасини, Советлар мамлакати кўпмиллатли республикаларининг мустаҳкамланиб бораётган қардошларча дўстлигини таъкидладилар.

Арманистон меҳнатчилари йиллик планни бажаришни яхши суръат билан бошлаганликларини сўзга чиққан кишилар таъкидлаб ўтишди. Бу йил ўзига улуғ Ленин номи берилган куннинг 60 йиллигини нишонлайдиган шаҳар — Ленинакан меҳнаткашлари ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатида баён этилган партиянинг илҳомбахш сўзига жавобан республикада биринчи квартал топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Бутун ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш йўлидаги интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш изига ўтказиш йўлидаги кураш янада активроқ авж олдирилади.

Йиғилишда К. В. Русаков нутқ сўзлади. Бизнинг учрашувимиз, деди у, азиз Юрий Владимирович Андропов ҳаётдан кўз юмганлиги муносабати билан ҳаммамиз учун оғир бўлган дамларга тўғри келди.

Ўйлайманки, мана шу оғир дамлар ҳар бир коммунистни ва совет кишисини чуқур қайғуга солиш билан бир қаторда уларда ўз сафларини Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштириш, коммунизм қурилиши, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш сиёсатини амалга ошириш учун яна ҳам сабот билан курашиш зарурати туйғусини уйғотади. Юрий Владимирович Андропов ўзининг порлоқ ҳаётини мана шу сиёсатга батамом бағишлади.

Мен Москвадан жўнаб кетаётганимда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси сизларга, сизлар орқали эса Ленинакан-Марказий сайлов округининг барча сайловчиларига, Совет Арманистони меҳнаткашларига салом ва янги-янги муваффақиятларга эришувларингизни тилаб билдирилган истакларини етказишимни топширди.

— Совет жамиятининг КПСС теварагида маҳкам жипслашганлиги барча республикаларда Коммунистик партия раҳбарларини мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига ўз номзодлари қилиб кўрсатган совет кишиларининг хоҳиш-иродаси зўрлигида намоён бўлди. Жамиятимизнинг авангарди — Коммунистик партия — совет халқининг муносиб обрў-эътиборига, якдиллик билан қўллаб-қувватлаши ва ишончига сазовордир.

К. В. Русаков СССР Олий Советн депутатлигига ўз номзоди кўрсатилганлиги учун миннатдорчилик билдириб, Ленинаканнинг ривожи тўғрисидаги таассуротларини ўртоқлашди, у биринчи беш йилликнинг шу ердаги зарбдор қурилишларидан бирида ишлаганлигини айтди. Депутатликка номзод ишлаб чиқаришда эришилган юксак марралар билан меҳнаткашларни табриклади, ҳал этилмаган вазифаларга, самарадорликни, маҳсулот сифатини ошириш проблемаларига эътиборни жалб қилди. Жумладан, у фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар — радиотехника, электроника, приборсозлик, аниқ станоксозлик устун равишда ривожланаётганлиги Арманистон ҳозирги экономикасининг хусусияти эканини уқтириб ўтди. Совет давлати, деб уқтирди у, яхлит халқ хўжалик комплексининг шу муҳим тармоқларига катта маблағ сарфлади, бу тармоқлар эса экономикамизга сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бунинг маъноси шуки, тегишли корхоналарнинг аниқ ва бир маромда ишлаши учун, ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан самарали фойдаланиш учун республика коммунистлари, меҳнаткашлари зиммасидаги масъулият даражаси ошди.

К. В. Русаков аввалги сайловдан бери мамлакат тараққиётининг якунларини таърифлаб, бу йиллар баракали бунёдкорлик меҳнати билан, халқимизнинг янги зафарлари билан, тинчликни сақлаш йўлидаги саботли кураш билан тўлиқ йиллар бўлганини таъкидлади. Шу вақт ичида Совет давлатининг иқтисодий қудрати анча ошди, унинг халқаро позициялари ва мудофаа қобилияти мустаҳкамланди, жамиятнинг социал-сиёсий бирлиги, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги чуқурлашди, фаровонлик юксалди, совет кишиларининг маънавий турмуши бойиди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми бутун ижтимоий-сиёсий ва хўжалик турмушимизга янги омиллар бахш этди. Пленум қабул қилган қарорлар, ўртоқ Юрий Владимирович Андропов ўртага қўйган ғоялар партия билан совет халқини ривожланишнинг чинакамига дадил ва айни вақтда яхши асосланган стратегияси билан қуроллантиради. Бунда гап партиянинг халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар яратишга қаратилган йўли изчиллик билан давом эттирилаётганлиги тўғрисида, партия, совет ва хўжалик органларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга оид тадбирлар ҳақида бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари билан бевосита боғланган шу йўлни ўтказиш натижалари ҳозирнинг ўзидаёқ сезилиб турибди.

Депутатликка номзод ҳозирги халқаро вазиятнинг хусусиятларини батафсил очиб берди, партиямиз билан Совет давлатимиз социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар билан биргаликда урушнинг олдини олиш учун олиб бораётган кураш ҳақида гапириб берди.

Америка империализмининг тажовузкорлиги ялпи характер касб этмоқда, деди К. В. Русаков. Аммо унинг йўлидаги агрессив тиғ, аввало социализмга қарши қаратилган. АҚШ империалистлари Совет Иттифоқини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини ўзларининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш режалари йўлидаги асосий тўсиқ деб билмоқдалар. Урушга қарши олиб борилаётган тарихий драматизмга тўлиқ кураш тинчлик ва социализм тақдирларининг чамбарчас ўзаро боғлиқлигини жуда очиқ-равшан кўрсатиб турибди. Социалистик мамлакатларга ҳарбий юришлар режасини тузаётган империализм аслида бутун инсониятни қириб ташлаш хавфини туғдирмоқда. Биз шу агрессив сиёсатга қарши курашиб, том маънода бутун планетанинг тинч келажагини қаттиқ туриб ҳимоя қиляпмиз.

Тарих бизга сергак бўлишни ўргатди, халқларнинг тинч меҳнатини, социалистик ғалабаларини қандай ҳимоя қилишни ўргатди. Биз ҳам АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ҳарбий тайёргарликларидан муносиб хулосалар чиқариб олдик. Қардош социалистик мамлакатлар бирлик руҳида иш тутиб, ўзларидан ҳарбий устунликка ҳеч қачон йўл қўймасликларини жуда аниқ қилиб айтдилар.

Империализмнинг агрессив шум режаларига дадил қарши туриш учун бизда ҳамма нарса: қудратли экономика, замонавий қуролли кучлар бор. Жамиятимизнинг маънавий-сиёсий мустаҳкамлиги мавжуд, партиянинг сиёсий йўли тўғри, дўстлар — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўзаро мустаҳкам баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Қардош давлатларнинг мудофаа ҳарбий-сиёсий иттифоқи — Варшава Шартномаси ташкилоти тинчлик ва социализмнинг ишончли қалқони бўлиб турибди.

Қардош социалистик мамлакатлар империалистик кучларнинг урушқоқлик хуружларига кескин зарба бермоқдалар ва айни вақтда тинчлик ташаббусини ўз қўлларида қаттиқ ушлаб келмоқдалар. Улар биргаликда ишлаб чиқилган йўлга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, Мадрид учрашувида бир битимга келиш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар, Стокгольмдаги Умумевропа мулоқотида актив қатнашиб, Европада ва ундан ташқарида ҳам тинчликни таъминлаш юзасидан реал тадбирлар кўрилишига интилмоқдалар. БМТ Бош Ассамблеяси сўнгги сессиясининг ядро қуролларини кўпайтирмасликка, ядро урушини қоралашга қилган даъвати мамлакатларимиз ташаббусларининг натижасидир.

Социалистик давлатларнинг кенг миқёсдаги тинчлик таклифлари бизнинг тинчликни сақлаб қолишдан астойдил манфаатдорлигимизни яна намойиш этди.

К. В. Русаков жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг ривожланиш жараёнини таҳлил этиб, сўнгра бундай деди: жаҳон социализми ўткир синфий курашда туғилди, шу кунларда ҳам у халқаро майдондаги синфий курашда ўсиб, ривожланиб бормоқда.

Жаҳон социализм системаси вужудга келган, социалистик ҳамдўстлик шаклланган пайтдан бери орадан атиги қирқ йилга яқин вақт ўтди. 40 йил — нисбатан унчалик катта муддат эмас. Қардош мамлакатларнинг муваффақиятлари шу боисдан ҳам жуда яққол намоён бўлмоқда. Ҳозир социалистик ҳамдўстлик — узлуксиз ривожланувчи қудратли организмдир. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига бирлашган социалистик давлатларнинг саноат ишлаб чиқариши 1950 йилга нисбатан 14 баравар кўпайганлигини айтиш кифоя. Уларнинг миллий даромади 8,6 баравар ортди. Капиталистик дунё бундай суръатлар нималигини билмайди. Кейинги уч йил мобайнида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларининг саноат ишлаб чиқариши 9 процентдан кўпроқ ошди, ривожланган капиталистик мамлакатларда эса кўпайиш бир ёқда турсин, ҳатто камайди.

Ўз мамлакатларини идора қилаётган марксчи-ленинчи партияларнинг ўзаро баҳамжиҳатлиги — социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги бутун кўп қиррали системасининг ўзагидир, деди К. В. Русаков. Бизнинг жипслигимиз — шу партияларнинг катта, собитқадам иши, биргаликда ўтказаётган сиёсий йўли натижасидир. Бу соҳадаги энг муҳим мезон зафарбахш марксизм-ленинизм таълимотига, социалистик интернационализм принципларига садоқатдан иборат. Бу принциплар ҳар бир мамлакатнинг суверен ҳуқуқларини ҳеч сўзсиз ҳурмат қилишни ҳам, шунингдек ўзаро ўртоқларча ёрдам ва мададкорликни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир мамлакатнинг ва умуман жаҳон социализмининг манфаатларини бирга қўшувчи бирлик ҳақли равишда енгилмас бирлик деб аталиши мумкинлигига совет кишиларининг ишончи комил.

К. В. Русаков Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларга тўхталиб бундай деди: биз ҳалол ва принципиал позицияда турибмиз, биз Хитой билан яхши муносабатлар тарафдоримиз; аммо бу муносабатларни нормаллаштириш йўлини изчиллик билан давом эттирган ҳолда, бу муносабатлар бошқа мамлакатларнинг зарарига қурилишига йўл қўя олмаслигимиз ва йўл қўймаслигимиз равшан. Совет ва Хитой вакилларининг маслаҳатлашувларида биз ўртага қўяётган таклифлар айни мана шундай ёндашувга мос келади.

Нотиқ демократия проблемаларини, жаҳон системаларининг социал ва миллий ривожланиши проблемаларини тилга олди, социализм ва капитализм шароитида бу проблемаларга ёндашувдаги туб тафовутни кўрсатди. Капитализм шароитида умуман меҳнаткашлар учун, хусусан кичик ёки мазлум миллатнинг меҳнат аҳли учун на эркинлик, на тенглик ва на қардошлик бор, деб уқтирди у. Совет Иттифоқига келганда эса, бизда миллий масала, Ленин таълим берганидек, пишиқ, пухта ҳал этилган. Бу масала миллатларнинг тўла тенглиги ва халқларнинг дўстлиги сиёсати билан, собиқ миллий чекка ўлкаларни илдамроқ ривожлантириш, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бараварлаштириб олиш сиёсати билан ҳал этилган.

СССР Олий Советига ўтказиладиган ҳар галги сайлов, деди сўзининг охирида К. В. Русаков, партиянинг халқ билан алоқалари мустаҳкамлиги учун қатъий синовдир, унинг сиёсий йўли ҳаётийлиги учун, бу сиёсатни ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар қанчалик қўллаб-қувватлаётганлиги учун синовдир.

Совет кишиларининг меҳнатдаги ғайрат-шижоати ва сиёсий активлиги, уларнинг чуқур манфаатдорлиги ва энг муҳими партиянинг сиёсатига ҳаммага яқин ва тушунарли бўлган ўз сиёсати деб қараши партиямиз халқнинг жон-тани эканининг, унинг программаси меҳнаткашларнинг кайфияти, манфаатлари ва эзгу умидларини акс эттираётганлигининг энг яхши далилидир. Нотиқ Совет ҳокимиятининг олий органига ўтказиладиган сайлов мамлакатдаги барча республикалар каби Арманистон ССР меҳнатчиларининг ҳам ижодий активлигини янада юксалтириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

